

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

32-сон
(1052)
2022 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

292. «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги ўРҚ–788-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

293. «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги ПФ–189-сон Фармони

Бешинчи бўлим

294. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 27 июлдаги 12/02-22-25-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 13 июлдаги 34-сон, Транспорт вазирлигининг 2022 йил 15 июлдаги 12-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 июлдаги 16/2-сон «Темир йўл

- транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3233-1*)
295. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 21 июлдаги к-6-сон, 01-03/2-320-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1670-2*)
296. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 15-2022-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 17-2022Қ/Қ-сон ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 4-тн-сон «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2779-1*)
297. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 29 июлдаги 26-сон «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-6*)
298. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 11 августдаги 17-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-6*)
299. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 13/02-22-24-сон «Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати

туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3378*)

300. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 12 августдаги 18-мх-сон «Патент вакиллигига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакилларини аттестациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3203-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****292 Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
2 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик

Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган меҳнатга оид муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоларининг, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати орган-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 августда эълон қилинган.

ларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг, шу жумладан ҳарбий хизматчиларнинг;

давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонуннинг 24 ва 43-моддалари дипломатия хизмати ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонуннинг 43-моддаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат органи — Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма;

давлат фуқаролик хизмати — давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди;

давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси — давлат органининг ваколатларини лозим даражада амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар, малакалар ва кўникмалар мажмуи;

давлат фуқаролик хизмати лавозими — давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозим;

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари — давлат фуқаролик хизматчилари томонидан риоя этилиши шарт бўлган одоб-ахлоқ нормалари мажмуи;

малака талаблари — давлат фуқаролик хизматининг муайян малака даражаси берилиши ва (ёки) давлат фуқаролик хизматининг муайян лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган, иш тажрибасига ва касбий компетенциясига доир талаблар.

5-модда. Давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари

Давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги;

қонунийлик;

адолатлилик;

халққа хизмат қилиш;

давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

холислик, профессионаллик ва компетентлик;
давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқаро-ларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши.

2-боб. Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқаруви

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти:
давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;
давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилайди;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.
Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва бошқа давлат бошқаруви органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;
давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқирилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди ҳамда уларни тасдиқлайди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Махсус ваколатли давлат органининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).
Махсус ваколатли давлат органи:

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат органларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларининг мониторинги ҳамда таҳлилини амалга оширади, шунингдек мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг (энг муҳим кўрсаткичларига оид) ўлчанадиган индикаторлар тизимини жорий этади ва уларнинг натижаларини таҳлил қилади, жамоатчилик фикрини ўрганadi ҳамда давлат органлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиришда иштирок этади;

кадрларни давлат фуқаролик хизматига танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштиради;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ва уларни изчил такомиллаштириб боради, давлат фуқаролик хизматчиларининг шахсига доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда иштирок этади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Давлат органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари

Давлат органлари:

давлат органларида давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг ижросини таъминлайди;

кадрларни саралаш ва танлаш, давлат фуқаролик хизматчиларига давлат фуқаролик хизмати лавозимлари малака даражалари бериш ҳамда хизмат текширувлари ўтказиш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил этади;

давлат фуқаролик хизматчилари томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилишини ва давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этилишини назорат қилади;

давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлашни, уларнинг малакаси оширилишини ва таълим олишини мунтазам равишда ташкил этади.

Давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ваколатларни амалга ошириш мақсадида давлат органларида кадрлар бўлинмалари фаолият юритади.

3-боб. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми

10-модда. Давлат фуқаролик хизматчиси

Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчисидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинланган пайтдан эътиборан давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақомига эга бўлади ва давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугатилиши муносабати билан уни йўқотади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва чекловлар алоҳида қонунчилик билан белгиланади.

11-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари

Давлат фуқаролик хизматчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусияти ва мураккаблигига, бажарилган ишларнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш;

касбий компетенциялари ва алоҳида хизматлари учун рағбатлантирилиш;

давлат органининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан мунтазам равишда малакасини ошириб бориш;

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда шартларда меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш ва шартномани бекор қилиш;

ўз мансаб ваколатларини, хизмат мажбуриятларини ва жавобгарлигини белгиловчи лавозим йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлган иш ўрнига эга бўлиш;

иш вақти давомийлигининг чегарасини, айрим давлат фуқаролик хизматчилари учун қисқартирилган иш вақтини белгилаш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, шунингдек йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминланадиган тарзда дам олиш;

қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниш, шунингдек давлат пенсия таъминотини олиш;

давлат органининг қонунга хилоф қарорлари ва унинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш;

давлат органи раҳбариятининг ноқонуний топшириқ ва талабларини бажаришдан бош тортиш;

давлат фуқаролик хизматидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар берган тақдирда, давлат ҳимояси билан таъминланиш;

хизматга оид масалалар юзасидан давлат органининг раҳбариятига ўз фикрини билдириш, ўзи давлат фуқаролик хизматини ўтаётган давлат органининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўзининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат органининг раҳбарияти ҳамда бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳурмат қилиниши;

давлат органи томонидан қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборилган тақдирда, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда давлат фуқаролик хизмати лавозимининг ва иш ҳақининг сақланиб қолиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат фуқаролик хизматини ўташ вақтида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ва маънавий зиённинг компенсация қилиниши;

ўзининг меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш;

давлат фуқаролик хизмати масалалари юзасидан махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиш;

ўзининг шахсий ҳужжатлари тўплами билан танишиш.

Давлат фуқаролик хизматчиси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг мажбуриятлари

Давлат фуқаролик хизматчиси:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши;

ушбу Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши;

давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши;

ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги;

қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши;

давлат мулкнинг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

13-модда. Давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар

Давлат фуқаролик хизматчиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно;

ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

чет давлат фуқаролигини олишга;

қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиш-

га, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно;

Ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхта-тиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

14-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг жавобгарлиги

Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлди деб ҳисобловчи жисмоний ёки юридик шахс бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланиб, ушбу зарар кейинчалик айбдор бўлган давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олинади.

Давлат органи раҳбарининг ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф топшириғини бажариш натижасида давлат фуқаролик хизматчиси томонидан етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланади. Зарар миқдори қонунга хилоф топшириқни берган давлат органи раҳбаридан ёки мансабдор шахсидан регресс тартибида ундирилади.

4-боб. Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш

15-модда. Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги;

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат ўтказилишини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг даромадлари ва мол-мулкани декларациялаш тизимини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан совғалар олиш ва бериш тартибини белгилаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Қонунчиликда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

16-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабати

Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт.

Агар давлат фуқаролик хизматчиси коррупция фактлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлса, у коррупциянинг олдини олиш учун зарур чоралар кўриши, шу жумладан юқори турувчи давлат органини (мансабдор шахсини) ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органини дарҳол хабар қилиши ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши керак.

Коррупция фактлари тўғрисида хабар берган давлат фуқаролик хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳимояси таъминланади.

17-модда. Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларида қўйидагилар белгиланади:

раҳбарлар, бўйсунувдагилар ва бошқа давлат фуқаролик хизматчилари ўртасидаги ўзаро ахлоқий муносабатлар;

давлат фуқаролик хизматчисининг ишчанлик обрўсига ва давлат фуқаролик хизматининг нуфузига путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик);

давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат фаолиятидаги ва хизматдан ташқаридаги хулқ-атворининг асосий қоидалари.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя эти-

лиши устидан назорат давлат органларининг кадрлар бўлинмалари ёки одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари қонунчиликда белгиланади. Ҳар бир давлат органи Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари асосида фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ички одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди.

18-модда. Давлат фуқаролик хизматида совғаларга нисбатан муносабатда бўлиш шартлари

Давлат фуқаролик хизматида давлат фуқаролик хизматчисига (унинг оила аъзоларига) бепул берилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки давлат фуқаролик хизматчисига (унинг оила аъзоларига) беғараз кўрсатилган хизмат совға ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади. Бундан давлат фуқаролик хизматчиси томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

Давлат фуқаролик хизматчилари хизмат сафарлари вақтида, шунингдек халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғалар олиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

19-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Манфаатлар тўқнашуви давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз хизмат ваколатларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда фуқароларнинг, жамиятнинг ёки давлат органининг шахсий манфаатдорлиги ва ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш тартиби қонун билан белгиланади.

20-модда. Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан даромадлари ва мол-мулкани декларациялаш

Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт.

5-боб. Давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш**21-модда. Давлат фуқаролик хизмати тизими**

Давлат фуқаролик хизмати тизими давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган тарзда танлаб олиш, ҳисобга олиш, жой-жойига қўйиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, касбий компетенциясини ошириш ва хизматда лавозим бўйича кўтариш механизмларининг ягона ташкилий-ҳуқуқий мажмуидир.

Белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига давлат фуқаролик хизматига кириш учун тенг имкониятлар кафолатланади.

Зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун касбий компетенциясини шакллантириш давлат фуқаролик хизматчисини қайта тайёрлашни, унинг малакасини оширишни, таълим олишини ташкил этиш ҳисобидан таъминланади.

Давлат фуқаролик хизматчисини тегишли равишда рағбатлантириш ва хизматда лавозим бўйича кўтариш унинг касбий компетенцияларини ҳамда алоҳида хизматларини холисона ва адолатли баҳолаш асосида таъминланади.

22-модда. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри давлат органи даражасидан (миллий, республика, ҳудудий ва туман) келиб чиққан ҳолда, малака талабларига мувофиқ бирхиллаштирилган ва таснифланган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари ҳамда тоифаларидан, шунингдек давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражаларидан иборат бўлади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ҳамда махсус ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

23-модда. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари ва тоифалари

Давлат фуқаролик хизмати лавозимлари сиёсий, бошқарув ва ёрдамчи лавозим гуруҳларидан иборатдир. Бунда мазкур гуруҳларга тегишли лаво-

зимларнинг тоифалари Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрида белгиланади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартиби алоҳида қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчилари давлат фуқаролик хизматининг бошқарув ва ёрдамчи гуруҳларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимларига танлов асосида тайинланади ҳамда давлат органи раҳбари томонидан лавозимдан озод қилинади.

24-модда. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражалари

Давлат фуқаролик хизматчиларига давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари ва тоифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг қуйидаги малака даражалари бериледи:

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари	Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг тоифалари	Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражалари
Сиёсий	Раҳбар кадрлар	Олий даражали маслаҳатчи 1-даражали маслаҳатчи 2-даражали маслаҳатчи 3-даражали маслаҳатчи
Бошқарув	Бошқарув кадрлари	1-даражали хизматчи 2-даражали хизматчи 3-даражали хизматчи
Ёрдамчи	Мутахассислар	4-даражали хизматчи 5-даражали хизматчи 6-даражали хизматчи

Давлат фуқаролик хизматчиларига давлат фуқаролик хизмати лавозимлари малака даражалари (бундан буён матнда малака даражалари деб юритилади), қоида тариқасида, изчил тартибда, олий маълумотга ва муайян иш стажига, малака ошириш курсларини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатга, малака комиссиясининг ижобий хулосасига эга бўлган тақдирда бериледи.

Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

25-модда. Миллий кадрлар захираси

Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизимидир.

Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматининг раҳбар кадр-

лар таркибини барқарор таъминлаш ва унинг сифатини яхшилаш, давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини ошириш ҳамда хизматда лавозим бўйича кўтариш мақсадида шакллантирилади.

Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

26-модда. Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги мониторинг

Давлат фуқаролик хизмати тизимида ягона ташкилий-ҳуқуқий механизмларни қўллашнинг бир хил амалиётини таъминлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат органида мониторинг ўтказилади.

Мониторинг давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат органи томонидан ижро этилишини ўрганиш йўли билан ўтказилади.

Мониторинг натижасида давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи тегишли давлат органи раҳбарига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

Мониторинг ўтказиш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

6-боб. Давлат фуқаролик хизматига кириш тартиби ва шартлари

27-модда. Давлат фуқаролик хизматига кириш

Давлат фуқаролик хизматига кириш танлов асосида номзодни давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинлаш орқали амалга оширилади, бундан давлат фуқаролик хизмати лавозимларини қонунчиликда назарда тутилган бошқача тартиб бўйича эгаллаш мустасно.

28-модда. Давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш шартлари

Давлат фуқаролик хизматига давлат тилини биладиган, давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун тегишли малака талабларига ва бошқа талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Чет эл мутахассислари ва экспертлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларини қонунчиликда белгиланган тартибда эгаллаши мумкин. Чет эл мутахассислари ва экспертларининг хизматни ўташ тартиби ҳамда шартлари тегишли шартнома асосида белгиланади.

Қуйидагилар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, агар давлат фуқаролик хизмати лавозимига доир малака талабларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

суднинг қарори билан муайян муддатга давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;

коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар;

тиббий хулосага асосан соғлиғининг ҳолати давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш имконини бермайдиган шахслар;

давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган, ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган чекловларга риоя этишни рад қилган шахслар.

29-модда. Давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш

Давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш танлов асосида амалга оширилади, бундан қонунчилик билан белгиланган кафолатларга мувофиқ олдинги лавозимни ёки унга тенг бўлган лавозимни тақдим этиш ҳоллари, шунингдек ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун номзодларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланади.

Давлат фуқаролик хизматининг бўш турган (вакант) лавозимини эгаллаш махсус ваколатли давлат органининг ахборот тизими орқали ўтказиладиган ички ва ташқи танловлар асосида амалга оширилади.

Ички танловларда фақат давлат фуқаролик хизматчилари, ташқи танловларда эса тегишли малака талабларига жавоб берадиган барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Танлов ўтказиладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимлари ва танлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

30-модда. Меҳнат шартномаси

Давлат фуқаролик хизматига кираётган шахс билан меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги асосида муайян ёки номуайян муддатга ёзма шаклда тузилади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи давлат фуқаролик хизматчилари билан меҳнат шартномаси тузилмайди.

Меҳнат шартномасида давлат фуқаролик хизматини ўташнинг асослари ва шартлари, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар, шунингдек уни ҳуқуқий ва ижтимоий жихатдан ҳимоя қилишга тааллуқли қоидалар кўрсатилади.

Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига

доир намунавий талаблар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

31-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий ҳужжатлари тўплами

Давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий ҳужжатлари тўплами унинг шахсга доир маълумотлардан ва у томонидан давлат фуқаролик хизматини ўташ тўғрисидаги ахборотдан иборатдир.

Давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий ҳужжатлари тўплами давлат органининг кадрлар бўлини маси томонидан юритилади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий ҳужжатлари тўплами электрон шаклда юритилади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий ҳужжатлари тўпламига давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлмаган ахборотни киритиш, шунингдек шахсий ҳужжатлар тўпламидаги ахборотни учинчи шахсларга давлат фуқаролик хизматчисининг розилигисиз бериш тақиқланади, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

32-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат гувоҳномаси

Давлат фуқаролик хизматчисига махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклдаги хизмат гувоҳномаси берилади.

Хизмат гувоҳномасида давлат фуқаролик хизматчиси эгаллаган лавозими, унинг малака даражаси, давлат органининг тўлиқ номи, гувоҳнома берилган сана ва унинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Хизмат гувоҳномаси давлат фуқаролик хизматчиси тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайдиган идентификацияловчи карта кўринишида ҳам берилиши мумкин.

Хизмат гувоҳномасини бошқа шахсларга бериш мумкин эмас.

Хизмат гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган ёки давлат фуқаролик хизматчиси лавозимдан озод этилган тақдирда, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда хизмат гувоҳномаси уни берган давлат органига қайтарилади.

7-боб. Давлат фуқаролик хизматини ўташ тартиби

33-модда. Давлат фуқаролик хизматини ўташ

Давлат фуқаролик хизматини ўташ муддати давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинланган пайтдан эътиборан то давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти ушбу Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган санага қадар бўлган даврни қамраб олади.

Давлат фуқаролик хизматини ўташ меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат фуқаролик хизматчисининг иш вақтини;

давлат фуқаролик хизматчисининг лавозим йўриқномасини;

давлат фуқаролик хизматчисининг фаолият самарадорлигини баҳолашни;

давлат фуқаролик хизматида лавозим бўйича қўтарилишни;

бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказишни, шу жумладан ротация тартибида ўтказишни ва хизмат сафарларини;

давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишни;

давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тартибини;

давлат фуқаролик хизматчиларига нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллашни.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи давлат фуқаролик хизматчилари томонидан давлат фуқаролик хизматини ўташ тартиби Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгиланади.

34-модда. Давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти

Давлат органида давлат фуқаролик хизматчиси учун беш кунлик иш ҳафтаси белгиланади. Бунда иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор давлат фуқаролик хизматчилари бўлган ота-онасидан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига қараб, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган иш вақтининг давомийлиги ҳисобга олинган, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этилган ҳолда олти кунлик иш ҳафтаси белгиланиши мумкин.

Давлат органи томонидан давлат фуқаролик хизматчиси учун ўрнатилган иш вақтининг давомийлигидан ташқари иш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Табийй ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда, давлат органи давлат фуқаролик хизматчисини унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишга жалб этиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчиларини иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишларга жалб этиш меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда, давлат органи раҳбарининг қарори асосида амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг иш вақтидан ташқари иши учун компенсация иш вақтидан ташқари ҳақиқатда ишлаб берилган соатларига камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўлаш ёки ортиқча ишлаган вақтининг давомийлигига мос бўлган қўшимча дам олиш вақти бериш орқали амалга оширилади.

35-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг лавозим йўриқномаси

Давлат фуқаролик хизматчисининг лавозим йўриқномаси давлат фуқа-

ролик хизматчисининг мансаб ваколатларини, хизмат мажбуриятларини ва жавобгарлигини белгилайдиган ҳужжатдир.

Давлат фуқаролик хизматчисининг лавозим йўриқномаси давлат органининг раҳбари томонидан тасдиқланади ёки қонунчиликда белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси меҳнат шартномасини имзолашдан олдин давлат фуқаролик хизматчиси лавозим йўриқномаси билан имзо қўйдириб таништирилиши керак.

36-модда. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш

Давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш ҳамда холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш учун унинг фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизими жорий этилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Давлат органи давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш услубиятига мувофиқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз ички тартибини белгилайди.

37-модда. Давлат фуқаролик хизмати бўйича кўтарилиш

Давлат фуқаролик хизмати бўйича кўтарилиш давлат фуқаролик хизматчисининг ўз касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириб бориши ҳисобига хизмат фаолиятининг натижадорлиги асосида юқорироқ лавозимга тайинлаш ёки юқорироқ малака даражасини бериш орқали амалга оширилади.

38-модда. Бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказиш

Давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказиш унинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Тиббий хулосага асосан соғлиғининг ҳолатига кўра, ўз эгаллаб турган лавозими бўйича хизмат мажбуриятларини бажара олмайдиган давлат фуқаролик хизматчисига унинг ёзма розилиги билан касбий компетенцияларига мос бўлган ва соғлиғининг ҳолати бўйича қарши кўрсатма мавжуд бўлмаган бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозими берилади.

39-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг ротацияси

Давлат фуқаролик хизматчисининг ротацияси унинг шахсий ва касбга оид сифатларини ривожлантириш, фаолиятининг самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг ротацияси уни эгаллаб турган давлат

фуқаролик хизмати лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимга ўз розилиги билан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида мажбурий равишда ротация қилиниши лозим бўлган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг рўйхати белгиланади. Ушбу лавозимларни эгаллаб турган давлат фуқаролик хизматчиларининг ротацияси уларнинг розилигисиз амалга оширилади.

Қуйидаги давлат фуқаролик хизматчилари ротация қилинмайди: тайёрлаш, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтаётган; ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар; тиббий хулосага асосан ўзларининг ёки улар билан бирга яшовчи оила аъзолари соғлигининг ҳолати ротация ўтказилаётган давлат фуқаролик хизмати лавозими бўйича хизмат мажбуриятларини амалга ошириш имкониятини бермайдиганлар.

Давлат фуқаролик хизматчисининг ротацияси шартлари меҳнат шартномасида назарда тутилади.

Давлат фуқаролик хизматчиси ротация тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Давлат фуқаролик хизматида ротация қилиш тартиби, мажбурий равишда ротация қилиниши лозим бўлган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг рўйхати, шунингдек ротация қилинадиган лавозимларда бўлиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

40-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат сафарлари

Давлат фуқаролик хизматчиси хизмат вазифасини бажариш учун давлат органининг қарорига мувофиқ муайян муддатга хизмат сафарига юборилади. Хизмат сафари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширилиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат сафари давомийлиги давлат органи раҳбари томонидан хизмат вазифасининг ҳажми, мураккаблиги ва бошқа жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчисини хизмат сафарига юбориш чоғида унинг лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, яшаш билан боғлиқ харажатлар, транспорт харажатлари, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ бошқа харажатларнинг ўрни давлат органи томонидан қопланади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

41-модда. Давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат органига вақтинча хизмат сафарига юбориш

Давлат фуқаролик хизматчиси бошқа давлат органининг давлат фуқаролик хизмати лавозимига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун бир йилдан кўп бўлмаган муддатга вақтинча хизмат сафарига юборилиши

мумкин. Бунда давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатига ҳақ тўлаш у вақтинча хизмат сафарига юборилган давлат органи билан алоҳида тузилладиган муддатли меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади. Аввалги хизмат жойи бўйича тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиши давлат фуқаролик хизматчиси вақтинча хизмат сафарига юборилган муддат тугагунига қадар тўхтатиб турилади.

Давлат фуқаролик хизматчисига ҳақиқатда бажарилган ишига қараб, ўзининг асосий лавозимидагидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади. Давлат органининг давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат органига вақтинча хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларининг ўрни вақтинча хизмат сафарига юборилган давлат фуқаролик хизматчисини қабул қилган давлат органи томонидан қопланади.

Давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат органининг давлат фуқаролик хизмати лавозимига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун вақтинча хизмат сафарига юбориш фақат унинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат органига вақтинча хизмат сафарига юборишга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

касбий компетенцияларига тўғри келмайдиган давлат фуқаролик хизмати лавозимларига;

тиббий хулосага асосан ўзининг ёки у билан бирга истиқомат қиладиган оила аъзосининг соғлиғи давлат фуқаролик хизматчиси вақтинча хизмат сафарига юбориладиган давлат фуқаролик хизмати лавозими бўйича хизмат мажбуриятларини амалга ошириш имконини бермаса.

Агар бошқа давлат органидаги меҳнатга ҳақ тўлаш ёки дам олиш шартлари, қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар давлат фуқаролик хизматчисини вақтинча хизмат сафарига юборган давлат органидагидан фарқ қилса, хизматчига нисбатан қулайроқ шартлар қўлланилади.

42-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириш

Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишдан мақсад унинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси даражаси унинг билимлари, кўникмалари ва малакалари даражасини аниқлаш имконини берувчи ахборот тизимлари орқали давлат органи томонидан мунтазам равишда баҳолаб борилади.

Қайта тайёрлаш, малака ошириш ва мустақил таълим олиш давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишнинг асосий шакллари дир.

Қайта тайёрлаш давлат фуқаролик хизматчисининг самарали фаолияти учун зарур бўлган қўшимча касбий билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаши мақсадида ташкил этилган таълим жараёни дир.

Малака ошириш давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини оширишга ва мунтазам равишда янгилаб боришга қаратилган таълим жараёнидир.

Мустақил таълим давлат фуқаролик хизматчисининг янги билимлар ва тажрибага эга бўлиш бўйича ишдан бўш вақтида касбий компетенциясини ошириш жараёнидир.

Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

43-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатига ҳақ тўлаш

Давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатига ҳақ тўлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

базавий лавозим маоши;

кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов;

малака даражаси учун қўшимча тўлов;

давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига эришганлик учун қўшимча устама;

ҳисобот даври яқунлари бўйича рағбатлантириш тўловлари.

Давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнат шароитлари, у алоҳида муҳим топшириқлар ва мураккаб вазифаларни бажарганлиги, бошқа шартлар муносабати билан унинг базавий лавозим маошига қонунчиликда белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча тўловлар ва устамалар тўланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тўловларни ҳисоблаш тартиби ва уларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

44-модда. Давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш

Давлат фуқаролик хизматчисига қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

лавозим маошига қўшимча устамалар;

пул мукофоти;

навбатдан ташқари малака даражасини бериш;

миннатдорчилик эълон қилиш;

қимматбаҳо совға, эсдалик ёки кўкрак нишони ёхуд ёрлик билан мукофотлаш.

Давлат фуқаролик хизматчиси алоҳида хизматлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

45-модда. Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан рағбатлантириш чораларининг қўлланилиши

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш давлат органининг раҳбари томонидан ёки унинг тавсиясига кўра амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида қуйидагилар эътиборга олинади:

ой, чорак, ярим йил, йил якунлари бўйича фаолиятнинг энг муҳим самардорлик кўрсаткичларини бажарганлик ва ошириб бажарганлик;

ўта муҳим вазифаларни бажарганлик;

зиммасига юклатилган вазифанинг мураккаблиги ва муҳимлиги, шунингдек унинг фаолиятида эришилган юқори натижалар;

байрам кунлари, юбилейлар, нишонланадиган саналар ва пенсияга чиқиш.

46-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг интизомий жавобгарлиги

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан лавозим йўриқномасига ва Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган чекловларга риоя этмаганлик унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади:

ҳайфсан;

ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;

малака даражасини пасайтириш;

давлат фуқаролик хизмати лавозимини пасайтириш;

эгаллаб турган давлат фуқаролик хизмати лавозимидан озод қилиш.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилмаган бошқа интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

47-модда. Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан интизомий жазо чораларининг қўлланилиши

Интизомий жазо чоралари давлат органининг раҳбари томонидан қўлланилади. Ҳар бир интизомий қилмиш учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин. Интизомий жазо чорасини танлаш ҳуқуқи давлат органининг раҳбарига тегишлидир. Интизомий жазо чорасини қўллаш чоғида қилмишнинг оғир-енгиллиги, унинг ҳолатлари ва давлат фуқаролик хизматчисининг хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш давлат органи раҳбарининг тегишли қарори билан расмийлаштирилади.

Давлат органи раҳбарининг давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида, давлат фуқаролик хизматчиси ишда йўқ бўлган вақт ҳисобга олинмасдан, унга жазони қўллаш сабаблари кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб эълон қилинади.

Ўзига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан таништирилмаган давлат фуқаролик хизматчиси интизомий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг ўзига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан танишишни рад этганлиги бунда ҳозир бўлган гувоҳлар кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай ҳолда давлат фуқаролик хизматчиси қарор билан таништирилган деб ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг интизомий жавобгарликка тортилиши унга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилишини бекор қилмайди.

Ушбу Қонун 46-моддаси иккинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан ўтказилган хизмат текширувининг хулосасига асосан, шунингдек амалда интизомий жазо чораси мавжуд бўлганда қўлланилади.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзига нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси устидан юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

48-модда. Интизомий жазо чораларини қўллаш муддатлари

Интизомий жазо чораси дарҳол, бироқ интизомий қилмиш аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади.

Интизомий жазо чоралари:

давлат фуқаролик хизматчиси вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган даврда;

давлат фуқаролик хизматчиси таътилда ёки хизмат сафарида бўлган даврда;

давлат фуқаролик хизматчиси фавқулодда вазият ёки ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни амалга ошираётган вақтга ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод этилган даврда;

давлат фуқаролик хизматчиси қайта тайёрлашда, малака оширишда бўлган ва таълим олаётган даврда қўлланилиши мумкин эмас.

Интизомий жазо чорасини қўллаш муддати ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтгунига қадар тўхтатиб турилади.

Интизомий жазо чораси интизомий қилмиш содир этилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай, тафтиш ёки молия-хўжалик фаолиятини текшириш ёхуд аудиторлик текшируви натижаларига кўра эса — қилмиш содир этилган кундан эътиборан икки йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Кўрсатилган муддатларга жиноят иши бўйича иш юритиш вақти киритилмайди.

Интизомий жазо чораси жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил давомида амал қилади. Агар мазкур муддат ичида давлат фуқаролик хизматчисига янги интизомий жазо чораси қўлланилмаган бўлса, у интизомий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Бунда интизомий жазо чорасининг муддати давлат органи раҳбарининг тегишли қарори чиқарилмаган ҳолда, автоматик тарзда тугайди.

Давлат органи раҳбари интизомий жазо чорасини ўз ташаббусига кўра, давлат фуқаролик хизматчисининг бевосита раҳбарининг, касаба уюшмасининг (мавжуд бўлган тақдирда) илтимосномасига биноан, шунингдек дав-

лат фуқаролик хизматчисининг илтимосига кўра муддатидан илгари олиб ташлаш ҳуқуқига эга.

49-модда. Хизмат текшируви

Хизмат текшируви меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи раҳбарининг қарорига кўра ўтказилади. Давлат фуқаролик хизматчиси ўзига нисбатан асоссиз айбловлар қўйилган ёки хулосалар чиқарилган деб ҳисоблаганда ҳам унинг ёзма аризаси асосида хизмат текширувидан ўтказилиши мумкин.

Хизмат текшируви давомида қўйидагилар аниқланиши зарур:

интизомий қилмишга сабаб бўлган ҳолатлар ва шарт-шароитлар;

давлат фуқаролик хизматчисини интизомий қилмишда айбланишнинг асослилиги ёки асоссизлиги;

интизомий қилмиш натижасида етказилган зарарнинг ўзига хос хусусияти ва миқдори;

давлат фуқаролик хизматчисининг тушунтиришлари ва ёзма равишда берган талабларида кўрсатилган важлар.

Давлат органидаги хизмат текшируви давлат органининг кадрлар бўлини маси, юридик хизмати ва бошқа бўлинмалари, шунингдек қасаба уюшмаси (мавжуд бўлган тақдирда) вакилларида иборат бўлган хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссия томонидан ўтказилади. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссия таркибига давлат органининг раҳбари ҳамда хизмат текшируви натижасидан манфаатдор бўлган шахслар кириши мумкин эмас.

Хизмат текширувини ўтказиш зарур бўлган ҳолларда, давлат органининг раҳбари давлат фуқаролик хизматчисини хизмат текшируви ўтказиш мобайнида хизмат мажбуриятларини бажаришдан унинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда вақтинча четлатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Хизмат текширувини ўтказиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги керак. Давлат органининг раҳбари хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссиянинг асослантирилган важлари асосида хизмат текширувини ўтказиш муддатини яна ўн беш иш кунигача узайтиришга ҳақли.

Хизмат текшируви натижасига кўра хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссиянинг далолатномаси тузилади ва давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги хулоса тайёрланади. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссиянинг хулосаси давлат органи раҳбари томонидан рад этилиши ёки давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

8-боб. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг тугатилиши

50-модда. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш асослари

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш учун қўйидагилар асос бўлади:

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг давлат фуқаролик хизматчиси томонидан йўқотилганлиги;

давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини давом эттириш имкониятини истисно этувчи жазога тортилганлигига доир суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги, шунингдек унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суднинг ажрими;

давлат фуқаролик хизматчисининг давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаши учун аҳамиятга эга бўлган ёлғон ахборот тақдим этилганлиги;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги;

давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловларга давлат фуқаролик хизматчиси томонидан риоя этилмаганлиги.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг тугатилганлиги давлат фуқаролик хизматчиси ҳуқуқий мақомининг йўқотилишига сабаб бўлади.

51-модда. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг қонунга хилоф равишда тугатилиши оқибатлари

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг қонунга хилоф равишда тугатилганлиги аниқланган тақдирда давлат фуқаролик хизматчиси аввалги давлат фуқаролик хизмати лавозимига тикланади, бунинг имкони бўлмаганда эса (давлат органининг тугатилганлиги, штатлар қисқартиришга сабаб бўладиган тарзда ўзгартирилганлиги ёки ушбу хизматчини аввалги давлат фуқаролик хизмати лавозимига тиклашга монелик қиладиган, қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда) аввалги лавозимига тенг бўлган бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинланади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимига тикланган давлат фуқаролик хизматчисига унинг фаолияти қонунга хилоф равишда тугатилганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг қонунга хилоф равишда тугатилишида айбдор бўлган шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг қонунга хилоф равишда тугатилиши билан боғлиқ зарарнинг миқдори айбдор шахсдан регресс тартибида ундирилади.

9-боб. Давлат фуқаролик хизматчисини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

52-модда. Давлат фуқаролик хизматчисини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат фуқаролик хизматчисининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчисига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш билан боғлиқ низолар фуқаролик процессуал қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

53-модда. Давлат фуқаролик хизматчисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Давлат фуқаролик хизматчисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат томонидан қуйидагилар орқали таъминланади:

меҳнат таътили ва ижтимоий таътиллар бериш;

ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш;

ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш; давлат пенсия таъминоти.

Давлат фуқаролик хизматчисига қуйидаги ижтимоий ҳимоя чоралари кафолатланади:

тиббий хизмат кўрсатиш;

ротация тартибида бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказилиши билан боғлиқ харажатларнинг, шу жумладан яшаш ва транспорт харажатларининг ўрнини қоплаш;

хизмат уй-жойлари, хизмат транспорти билан ёки уй-жой ва транспорт харажатлари учун пулли компенсация билан қонунчиликда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда таъминлаш.

Давлат фуқаролик хизматчисига қонунчиликка мувофиқ бошқа ижтимоий ҳимоя чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қонунчиликда белгиланган асосларда ва миқдорларда тўланадиган барча турдаги ижтимоий нафақалар татбиқ этилади.

Ижтимоий нафақаларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар мустасно.

54-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнат ва ижтимоий таътиллари

Давлат фуқаролик хизматчисига давомийлиги йигирма етти календарь кунидан кам бўлмаган йиллик асосий таътил берилади.

Давлат фуқаролик хизматчисига кўп йиллик хизмати ва алоҳида меҳнат шaroитлари учун йиллик қўшимча меҳнат таътиллари берилади.

Кўп йиллик хизмати ва алоҳида меҳнат шароитлари учун йиллик кўшимча меҳнат таътилларини бериш тартиби ҳамда уларнинг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимининг тоифасига қараб қонунчиликда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилларининг бошқача давомийлиги белгиланиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчисига ижтимоий таътилар бериш меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

55-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш

Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг муҳофазасида бўлади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий суғурта қилинади.

56-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ёки соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалинганлиги ёки соғлиғи ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида бошқача тарзда шикастланганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси хизмат мажбуриятларини бажараётганда вафот этган тақдирда, унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига давлат органи томонидан вафот этган шахснинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла тўланадиган нафақа уларнинг сонига тенг тақсимланган ҳолда берилади.

Хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда давлат фуқаролик хизматчисининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади, ушбу сумма миқдори кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибда ундирилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган зиённинг, зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

57-модда. Давлат пенсия таъминоти

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тайинланадиган барча турдаги давлат пенсиялари давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан қонунда белгиланган асосларга кўра қўлланилади.

Вафот этган давлат фуқаролик хизматчисининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга.

Давлат фуқаролик хизматчисининг давлат пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчиларига пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш тартиби, уларнинг миқдорлари ҳамда давлат пенсия таъминоти бўйича қўшимча ижтимоий кафолатлар фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланади.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

58-модда. Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш

Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

59-модда. Халқаро ҳамкорлик

Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

60-модда. Низоларни ҳал этиш

Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

61-модда. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

62-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

63-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норма-

тив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

64-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 август,
ЎРҚ–788-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

293 ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тизимини такомиллаштириш, санитар тозалаш корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва соҳага давлат-хусусий шериклик жорий этилишини кенгайтириш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектлари — санитар тозалаш корхоналаридан (давлат унитар корхоналари бундан мустасно) ундириладиган қуйидаги мажбурий тўловлар бекор қилинсин:

Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан 5 фоиз миқдоридаги ажратмалар;

санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан 5 фоиз миқдоридаги ажратмалар.

2. Санитар тозалаш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳада узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини рағбатлантириш мақсадида:

а) 2026 йил 1 январга қадар асосий фаолияти чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари) ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида қўлланилсин;

б) қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникаларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка бериш муддати 7 йилдан 10 йилга ҳамда бир йиллик имтиёзли давр билан узайтирилсин. Бунда:

махсус автотранспорт воситалари ва техникалари баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилади; мазкур жараёнда ҳисобланадиган қўшилган қиймат солиғи солиқ орган-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 августда эълон қилинган.

ларини хабардор қилган ҳолда Солиқ кодексида белгиланган фоизлар ҳисобланиб, 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин;

в) маиший, қурилиш ва тиббиёт чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларнинг республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кириладиган махсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилиниши бўйича имтиёзлари 2025 йил 1 августга қадар узайтирилсин;

г) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари бўлган санитар тозалаш корхоналарига: инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган кредитлари бўйича 50 фоизгача (50 фоиз ҳам қиради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар;

2024 йил 1 январга қадар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача «2+1» тамойили асосида компенсациялар тақдим этилиши белгилансин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган имтиёзларни қонунчилик ҳужжатларида белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Давлат экология қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги тақлифлари қўллаб-қувватлансин:

а) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик назоратини рағбатлантириш ва қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини қуйидагича ислоҳ қилиш:

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига Давлат экология қўмитаси томонидан юритиладиган «Яшил макон» ва бошқа платформалардан фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда уларни соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисида мунтазам хабардор қилиб бориш;

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига тегишли ҳудудда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I — IV тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи объектларда белгиланган тартибда олиб бориладиган экологик назорат тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқини бериш;

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига Давлат экология қўмитаси раиси ёки у ваколат берган бошқа масъул шахслар томонидан гувоҳномалар бериш;

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларини уларнинг фаолияти натижаларига кўра «Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш;

б) ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларига маҳаллаларда экологик назоратни амалга ошириш бўйича қуйидаги вазифа ва ваколатларни бериш орқали «Экологик патруль» ишлаш тизимини кенгайтириш:

маҳаллаларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек, браконьерликка қарши курашиш;

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар ҳамда браконьерликка қарши курашиш бўйича бевосита маъмурий жавобгарликка тортиш ва терговга қадар текширувни амалга ошириш.

4. Белгилансинки:

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик ҳолатларини аниқлаши ва зарур чоралар кўриши натижаларига кўра Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади;

ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари, Патруль-пост хизмати ходимлари ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 30 фоизи миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

5. Давлат экология қўмитаси «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар:

аҳолини унинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловлар бўйича қарздорлиги ҳақида фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими орқали хабардор қилиш тизимини жорий этсин;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими ҳамда фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими ўзаро уйғунликда ишлашینی таъминласин.

Бунда, мазкур тизим жорий этилиши, шу жумладан техник ва дастурий таъминот, зарур ускуналар хариди ҳамда серверлар янгиланиши билан боғлиқ харажатлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

янги қуриладиган кўп квартирали уйларни чиқинди тўплаш жойларини белгиламасдан лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади;

янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг чиқинди тўплаш жойлари улардаги квартиралар сонига мутаносиб равишда ҳамда атрофдаги мавжуд чиқинди тўплаш шохобчалари қуввати ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси янги қурилган кўп квартирали

уйлар чиқинди тўплаш жойлари белгиланмасдан фойдаланишга қабул қилинмаслигини қатъий назоратга олсин ва таъминлаб борсин.

7. Давлат экология қўмитаси:

2022 йил 1 октябрга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловларни барча мавжуд тўлов тизимлари орқали амалга ошириш имкониятини яратсин;

2022 йил 1 ноябрга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ва «Хорижга чиқиш паспорти» ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин;

икки ой муддатда экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда санитар тозалаш соҳасида бошқарувни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

10. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат экология қўмитаси раиси Н.Н. Обломуратов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 август,
ПФ–189-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

294 Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, ба-
гажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона
назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ни-
зомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3233-1*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт ва-
зирлиги ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вази-
рлиги, Транспорт вазирлиги ва Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
20 мартдаги 01-02/12-10, 14, 7, 3/2-сон қарори (рўйхат рақами 3233, 2020 йил
2 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2020 й.,
10/20/3233/0540-сон) билан тасдиқланган Темир йўл транспорти йўловчила-
рининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона
назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг
5-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йўловчилар томонидан қўл юкида ёки кузатиб борилаётган багажида
нотижорат мақсадлар учун олиб ўтилаётган, шунингдек халқаро почта ва
курьерлик жўнатмаларида юборилаётган товарларнинг қиймати ва (ёки)
миқдори қонунчилик ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб кириш нор-
масидан ортиқ бўлса, товарларнинг бундай ортиқ қисмига нисбатан ягона
божхона тўлови тўланади.»

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 июль,
12/02-22-25-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 августда эълон қилинган.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
34-сон

Т. ИШМЕТОВ

Транспорт вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 15 июль,
12-сон

И. МАХКАМОВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2022 йил 22 июль,
16/2-сон

М. НУРМУРАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕХНИК ЖИХАТДАН
ТАРТИБГА СОЛИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА
АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

295 «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1670-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 50-сон «Гилдиракли янги транспорт воситаларини экологик сертификатлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 1-п, 80-ТК-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1670, 2007 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 159-модда);

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 февралдаги к-2, 1-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқно-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 августда эълон қилинган.

мага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1670-1, 2020 йил 16 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2020 й., 10/20/1670-1/0338-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги
бош директори**

Д. САТТАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 июль,
к-6-сон

**Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси**

Н. ОБЛОМУРАДОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 июль,
01-03/2-320-сон

Келишилди:

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

А. МАВЛОНОВ

2022 йил 19 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

296 «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2779-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 апрелдаги 38/ққ, 6/ққ, 4-мх-сон «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2779, 2016 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 170-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 августда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
15-2022-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
17-2022Қ/Қ-сон

Халқ таълими вазири

Б. САИДОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июль,
4-тн-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2022 йил 7 июлдаги 15-2022-сон, Бандлик ва
меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2022 йил 7 июлдаги 17-2022Қ/Қ-сон ҳамда
Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил
6 июлдаги 4-тн-сон қарорига
ИЛОВА

**«Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ
давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат
фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидаги «ўрта махсус, касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «ўрта махсус ва профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги «ўрта махсус, касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «ўрта махсус ва профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ дав-

лат таъминотида бўлмаган ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари (бундан буён матнда таълим муассасаси деб юритилади) битирувчиларини (бундан буён матнда битирувчи деб юритилади) «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартибини белгилайди.»;

в) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида» деган сўзлар «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 2, 3 ва 20-бандлардаги «ўрта махсус, касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Битирувчи нафақа олиш учун таълим муассасасини битириб, ишга жойлашгандан кейин ўзи тамомлаган таълим муассасаси директорига нафақа берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақида туман (шаҳар) ҳокими қарорининг ёки болани оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги келишувнинг нусхаси;

доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган битирувчининг оилавий ва мулкий аҳволи ҳақида маълумотнома.

Бунда, битирувчининг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси нусхаси, биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотлари, меҳнат дафтари нусхаси (мавжуд бўлса), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), битирувчи ёки унинг ота-онасида мулк ҳуқуқи асосида кўчмас мулк мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) ҳақидаги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) филиалларининг маълумотномалари, битирувчининг тиббий-ижтимоий аҳволи — ногиронлиги, узоқ муддат даволанишга муҳтожлиги ёки меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (мавжуд бўлган тақдирда) таълим муассасаси томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотларидан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.»;

е) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Таълим муассасаси директори ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар, шунингдек таълим муассасаси томонидан сўраб олинган мазкур Низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатларни бир иш куни ичида кузатув хати билан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимига (бундан буён матнда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими деб юритилади) тақдим этади.»;

ж) 7-бандда:

учинчи хатбошидаги «ўрта махсус, касб-ҳунар таълими» деган сўзлар

«касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси бошлиғи — комиссия аъзоси;»;

олтинчи хатбошидаги «ўрта махсус, касб-хунар таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Аризаларни кўриб чиқишда комиссия таълим муассасаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида қуйидаги масалаларни ўрганади:

битирувчининг ота-она қаровисиз қолишига асос бўлган ҳолатлар (отонаси вафот этган, бедарак йўқолган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, узоқ муддат ишлаш, ўқиш ёки бошқа мақсадларда кетган, озодликдан маҳрум этилган ва ҳ. к.);

битирувчининг оилавий ва мулкӣ аҳволи, турар жой билан таъминланганлик даражаси;

битирувчининг тиббий-ижтимоӣ аҳволи (ногиронлиги, узоқ муддат даволанишга муҳтожлиги ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги).»;

и) 16-банднинг биринчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақидан» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдоридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

й) 18 ва 22-бандлардаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими» деган сўзлар «Таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**297** «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва
эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буй-
руққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ–6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил 24 июлдаги 2012-13-сон «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 369-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 июль,
26-сон

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 2 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 29 июлдаги
26-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва
эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелда-
ги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**».

2. Қоидаларда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш
ва эълон қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 1-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Капи-
тал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари»
деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар би-
лан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оммавий ахборот воситаларида, қимматли қоғозлар бозорини тартибга
солиш бўйича ваколатли давлат органининг Корпоратив ахборотнинг ягона
порталида (бундан буён матнда Корпоратив ахборотнинг ягона портали деб
юритилади) ва эмитентнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш;»;

г) 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Шунингдек, эмитент мазкур Қоидаларда белгиланган ахборотларни
Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида
ошкор қилади.»

д) 8-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корпоратив ахборотнинг ягона порталига ва ўзининг расмий веб-сайти-
га жойлаштириш орқали:»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«эмитент ва аффилиланган шахс ўртасида тузилган битимлар тўғрисидаги
ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида жойлаштириш
йўли билан;»;

еттинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўн би-
ринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эмитентнинг фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабарни у юз берган
санадан эътиборан икки иш куни ичида жойлаштириш йўли билан ошкор
қилиши шарт, бундан аффилиланган шахслар билан битим тузиш тўғрисидаги
хабар мустасно»;

е) қуйидаги мазмундаги 10¹-банд билан тўлдирилсин:

«10¹. Эмитент ўз фаолиятида юз берган ҳамда ушбу Қоидаларнинг 2¹ — 2⁸-иловаларга мувофиқ шаклдаги ахборотларни улар юз берган санадан эътиборан икки иш куни ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали ошкор этади.»

ё) 21 ва 22-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Қимматли қоғозлар эгаси битим тузиш натижасида эмитент қимматли қоғозлари ҳар қандай турининг 35 ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қила бошласа, эмитентга ушбу ахборотни битим тузилган санани, қимматли қоғозлар сони ва олинган улушни (қимматли қоғозлар умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида), шунингдек ўзининг жойлашган ерини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда мазкур битим тузилган санадан эътиборан беш кун ичида тақдим этиши шарт.

Эмитент ушбу ахборотни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида ошкор этиши лозим.

22. Акциялар эгаси мустақил равишда ёки аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти акцияларининг мазкур акциядорлик жамияти устав капиталининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни беш кун ичида мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда эмитентга ошкор қилиши шарт.

Эмитент ушбу ахборотни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида ошкор этишга мажбур.

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифни ўттиз кун ичида эмитентга хабарнома жўнатиш орқали хабардор қилиши шарт.

Эмитент ушбу хабарномани олган кундан бошлаб икки иш куни ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида ошкор этиши лозим.»

ж) 23-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

з) 23³-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)»;

и) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 — 8-иловаларига* мувофиқ таҳрирдаги 2¹ — 2⁸-иловалар билан тўлдирилсин.

к) 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 9-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

л) 3-33-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 10-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* 1 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**298 «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 октябрдан эътиборан кучга кирилади.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 август,
17-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 11 августдаги
17-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қуйидагилар:

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шаклларини тўлдириш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви 2-иловага мувофиқ;

Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви 3-иловага мувофиқ;

Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви 4-иловага мувофиқ;

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 августда эълон қилинган.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

3. 1а, 2а, 3а, 4а-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 2, 3, 4 ва 5-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа кири-тилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдириш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини (бундан буён матнда далолатнома ёзувлари деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Далолатнома ёзувлари икки нусхада тузилади.

2. Далолатнома ёзувларини қайд этиш «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) орқали амалга оширилади.

Далолатнома ёзувлари давлат тилида компьютер воситасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тўлдирилади.

3. Далолатнома ёзувларининг барча қаторлари қисқартиришларсиз (умумий қабул қилинган қисқартмалардан ташқари), тўлиқ ва хатосиз тўлдирилиши керак.

4. Далолатнома ёзувининг рақами, уни қайд этиш вақти (кун, ой, йил), шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг (бундан буён матнда ФХДЁ органи деб юритилади) номи ахборот тизимида автоматик равишда тўлдирилади.

5. Далолатнома ёзувларининг «Tug'ilgan joyi», «Doimiy yashash joyi», «Vafot etgan joyi» қаторларидаги «davlat», «viloyat, shahar», «tuman, shahar» номлари ахборот тизимида танлаш орқали киритилади.

Масалан: «davlat» қаторига O'zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Buyuk Britaniya, Turkiya.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Далолатнома ёзувларидаги «Tug'ilgan sanasi» қатори фуқаролик па-спорти ёки идентификация ID-картаси ёхуд ҳарбий гувоҳнома (бундан буён матнда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар деб юритилади) асосида тўлдирилади (кун, ой ва йил рақам билан ёзилади).

7. Далолатнома ёзувларининг «Millati» қатори шахсни тасдиқловчи ҳуж-жатлар асосида тўлдирилади.

Чет эл фуқароларига нисбатан далолатнома ёзувлари қайд этилаётганда, миллатидан ташқари мазкур шахснинг қайси давлат фуқароси эканлиги ҳам кўрсатилади. Бунда, унинг миллати ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда фуқаролиги тўғрисидаги маълумот ёзилади.

8. Далолатнома ёзувларининг «Fuqaroligi» қаторига шахснинг қайси дав-лат фуқаролигига мансублиги кўрсатилади. Шахснинг фуқаролиги бўлмаган тақдирда, мазкур қаторга «fuqaroligi yo'q» деб ёзиб қўйилади.

9. Далолатнома ёзувларидаги «Berilgan guvohnoma seriyasi» қаторига бе-рилган гербли гувоҳноманинг серияси ва рақами ёзилади.

10. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ёки қўшимчалар киритил-ганда, шунингдек гувоҳномалар такрорий берилганда, бу ҳақидаги ёзувлар далолатнома ёзувларидаги «Belgilar uchun» қаторига қайд этилади.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ёки қўшимчалар киритилганда, мазкур ўзгартириш (тузатиш ёки қўшимчалар) далолатнома ёзувининг қайси қаторларига ва қандай асосларга кўра киритилганлиги тўғрисида изоҳ ёзилиб, ушбу ўзгартириш (тузатиш ёки қўшимчалар) қайд этилган вақт (кун, ой, йил), шунингдек берилган гувоҳноманинг серияси ва рақами кўрсатилади.

Гувоҳномалар такрорий берилганда, такрорий берилган гувоҳноманинг берилган вақти (кун, ой ва йил), серияси ва рақами кўрсатилади.

Далолатнома ёзувларидаги «Belgilar uchun» қаторига мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ёзувлар киритилгандан сўнг, ушбу ёзувлар ахборот тизимида автоматик равишда сақланади.

Бунда, ўзгартириш киритилаётган далолатнома ёзувининг қоғозга чоп этилган (тўлдирилган) нусхасига ҳам тегишли ёзувлар киритилади ҳамда ФХДЁ органи ходими исмининг бош ҳарфи ва фамилияси ёзилиб, ушбу хо-дим томонидан имзоланади, шунингдек гербли муҳр билан тасдиқланади.

11. Далолатнома ёзуви тўлдирилгандан сўнг автоматик равишда ахборот ти-зимида сақланади, шунингдек унинг нусхаси қоғозга чоп этилиб ФХДЁ органи мудири ва инспектори томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

2-боб. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тўлдириш

12. 1 — 3-қаторларга туғилган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ёзилади.

13. «4. JShShIR» қаторига жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами киритилади.

14. «5. Jinsi» қаторига боланинг жинси тўғрисидаги маълумот ахборот тизимида «erkak», «ayol» ёхуд «pota'lum» деган сўзлардан бирини танлаш орқали киритилади.

15. «6. Tug'ilgan sanasi, vaqti, vazni va bo'yi» қаторига боланинг туғилган куни, ойи, йили, соати ва дақиқаси рақам билан ёзилади, вазни ва бўйи тиббиёт маълумотномаси асосида тўлдирилади.

16. «8. Nechta bola tug'ildi» қаторига туғилган боланинг (болаларнинг) сони рақам билан ёзилади. Агар биттадан ортиқ бола туғилган бўлса, мазкур қаторга тирик туғилган болаларнинг сони ёзилади.

17. 9-қаторга боланинг ўлик ёки тирик туғилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимида «tirik» ёки «o'lik» деган сўзлардан бирини танлаш орқали киритилади.

Биттадан ортиқ бола туғилган бўлиб, улардан бири ўлик туғилган, қолгани тирик туғилган бўлса, у ҳолда ҳар бир болага алоҳида далолатнома ёзуви қайд этилади.

18. «10. Onaning nechanchi bolasi» қаторига онанинг илгари туғилган болаларининг (шунингдек, вафот этган болаларининг) сони қўшилган ҳолда ҳисобланиб, далолатнома ёзуви қайд этилаётган бола онанинг нечанчи боласи эканлиги рақам билан ёзилади. Бунда, ўлик туғилган болалар сони ҳисобга киритилмайди.

Икки ёки ундан ортиқ болалар туғилганда, далолатнома ёзувлари тартиб билан рўйхатга олинади.

19. «11. Tibbiy ma'lumotnoma» қаторига тиббий маълумотноманинг сони, берилган вақти (кун, ой ва йил) рақам билан ёзилади.

Тиббий маълумотномани берган тиббиёт муассасасининг номи тўлиқ ёзилади.

Масалан: № 15; 10.03.2022-й., Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tuman b-sonli akusherlik kompleksi (majmuasi).

20. 12 — 19-қаторларга боланинг ота-онаси ҳақидаги маълумотлар уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (қонуний никоҳда турган ота-оналар учун) асосида тўлдирилади.

Бунда, қонуний никоҳда турган ота-оналар томонидан никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома тақдим этилмаганда, далолатнома ёзувининг ушбу қаторлари ота-онанинг аввалги болаларининг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувлари асосида тўлдирилади.

21. Бола ёлғиз (никоҳда бўлмаган) онадан туғилганда, боланинг отаси ҳақидаги маълумотлар онанинг кўрсатмасига асосан тўлдирилади.

Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда (боланинг отаси ҳам иштирок этмаса), боланинг отаси ҳақидаги ёзув онанинг нотариал ёки тиббий муассаса томонидан тасдиқланган аризаси бўйича амалга оширилади.

22. «19. Otasi haqida ma'lumotni yozish uchun asos» қаторининг:

«а) nikoh qachon va qayerda qayd etilgan» бандида ота-онанинг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки маълумотномасига асосан никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувининг рақами, қайд этилган куни, ойи ва йили рақам билан ҳамда ФХДЁ органининг номи тўлиқ ёзилади.

Никоҳ бошқа давлатда қайд этилган бўлса, ушбу бандда никоҳ қайд этилган давлат, шунингдек уни қайд этган органнинг номи ҳам ёзилади;

«b) otalikni belgilash to'g'risida ariza» бандида аризанинг рўйхатга олинган (кирим) рақами ва вақти (кун, ой, йил) рақам билан тўлдирилади;

«d) onaning arizasi» бандида ёлғиз она аризасининг рўйхатга олинган (кирим) рақами ва вақти (кун, ой, йил) рақам билан тўлдирилади.

23. «20. Ariza bilan murojaat qilgan shaxsning F.I.O., imzosi (aloqadorligi)» қаторига туғилганликни қайд эттириш учун мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми мурожаат қилган шахснинг сўзига асосан қисқартиришларсиз, тўлиқ ёзилади ҳамда далолатнома ёзувининг қоғозда чоп этилган нусхаси ариза муаллифи томонидан имзоланади.

Масалан: Rahmonov Aziz Rustamovich (bobosi), имзо.

3-боб. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувини тўлдириш

24. 1 — 3-қаторларда никоҳланувчиларнинг никоҳгача ва никоҳдан кейинги фамилияси, исми, отасининг исми уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида қисқартиришларсиз кўрсатилади.

25. «Nikohdan keyingi familiyasi» қатори никоҳланувчиларнинг ўз хоҳишларига кўра никоҳга кириш ҳақидаги аризалари асосида тўлдирилади.

26. «5. Yoshi» қатори никоҳланувчиларнинг туғилган вақтидан (кун, ой, йил) келиб чиқиб, ахборот тизими орқали автоматик равишда тўлдирилади.

27. «10. Oilaviy ahvoli» қаторига никоҳланувчиларнинг оилавий ахволи ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимида «nikohda bo'lmagan», «tul» ёхуд «ajrashgan» деган сўзлардан бирини танлаш орқали киритилади.

28. «11. Umumiy farzandlar soni» қаторига никоҳланувчиларнинг умумий фарзандлари бўлса, уларнинг сони ёзилади.

Никоҳланувчиларнинг умумий фарзандлари бўлмаса, ушбу қаторга «yo'q» деб ёзилади.

29. «12. Doimiy yashash joyi» қатори никоҳланувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади.

30. «13. Taqdim etilgan hujjatlar» қаторига никоҳланувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг серияси ва рақами ёзилади.

31. 14-қатор билан никоҳланувчилар таништирилади.

32. «15. Nikohga kiruvchilarning nikohgacha familiyasi va imzosi» қаторига никоҳланувчиларнинг никоҳгача бўлган фамилиялари ёзилади ҳамда далолатнома ёзувининг қоғозга чоп этилган нусхаси никоҳланувчилар томонидан имзоланади.

33. «16. Guvohlarning familiyasi va imzosi» қаторига, никоҳ никоҳланувчиларнинг хоҳишига кўра гувоҳлар иштирокида қайд этилганда, гувоҳларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади ҳамда далолатнома ёзувининг қоғозга чоп этилган нусхаси никоҳланувчилар томонидан имзоланади.

34. «18. Belgilar uchun» қаторида қуйидагилардан бири кўрсатилади:

илгари никоҳда бўлган шахснинг аввалги никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома;
суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори;
суднинг никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори;
эр (хотин)нинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома.

Шунингдек, мазкур қаторда никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар қайд этилган сана, далолатнома ёзувининг рақами ва қайси ФХДЁ органида рўйхатга олинганлиги, суднинг қонуний кучга кирган қарори, унинг санаси ҳамда қайси суд томонидан чиқарилганлиги кўрсатилади.

4-боб. Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тўлдириш

35. 1 — 3-қаторларга никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ариза билан мурувжаат қилган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида қисқартиришларсиз ёзилади.

36. «Nikohdan ajralgandan keyingi familiyasi» қатори эр ёки хотиннинг никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризасида кўрсатилган никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиш тўғрисидаги хоҳишига асосан тўлдирилади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига асосан никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақида эр ёки хотиндан бири ФХДЁ бўлимига мурувжаат қилган вақтда ФХДЁ органига келмаган эр ёки хотиннинг «Nikohdan ajralgandan keyingi familiyasi» қатори тўлдирилмайди.

37. «5. Yoshi» қатори никоҳдан ажралаётганларнинг туғилган вақтидан (кун, ой, йил) келиб чиқиб, ахборот тизими орқали автоматик равишда тўлдирилади.

38. «10. Nechanchi nikohi» қаторига никоҳдан ажралаётган шахсларнинг нечанчи никоҳи эканлиги ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимида «birinchi», «ikkinchi», «uchinchi va undan ortiq» деган сўзларидан бирини танлаш орқали киритилади.

39. «11. Ajratilayotgan nikoh» қаторига никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами ва қайд этилган вақти (кун, ой, йил) рақам билан ёзилади. Бунда, никоҳ қаерда ва қайси ФХДЁ органида қайд этилганлиги тўлиқ ёзилади.

40. «12. Dalolatnoma yozuvi uchun asos» қаторининг:

«а)» бандида эр-хотиннинг биргаликда берган аризаси, унинг берилган вақти (кун, ой, йил) ва кирим рақами ёзилади;

«б)» бандида никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган суднинг тўлиқ номи, ҳал қилув қарори чиқарилган вақт (кун, ой, йил) ёзилади;

«д)» бандида фуқарони бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган суднинг тўлиқ номи, ҳал қилув қарори чиқарилган вақт (кун, ой, йил) ҳамда фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади;

«е)» бандида фуқарони озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарган суднинг тўлиқ номи, ҳукм чиққан вақт (кун, ой, йил) ҳамда фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади.

41. «13. 18 yoshga to'lmagan umumiy bolalari soni» қатори рақамларда

тўлдирилади. Агар никоҳдан ажралаётган шахсларнинг 18 ёшга тўлмаган болалари бўлмаса, мазкур қаторга «yo‘q» деб ёзилади.

42. «14. Undirilgan davlat boji summasi va to‘langanligi to‘g‘risida belgi» қаторида тўланган давлат божининг суммаси кўрсатилади.

43. «15. Shaxsini tasdiqlovchi hujjatlar» қатори никоҳдан ажралаётган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади.

44. «16. Ajraluvchilar imzosi» қатори далолатнома ёзувининг қоғозга чоп этилган нусхасида ажралувчилар томонидан имзоланади.

5-боб. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувини тўлдириш

45. 1 — 3-қаторларга марҳумнинг фамилияси, исми, отасининг исми қисқартиришларсиз ёзилади.

46. «4. Jinsi» қаторига марҳумнинг жинси тўғрисидаги маълумот ахборот тизимида «erkak», «ayol» ёхуд «nota‘lum» деган сўзлардан бирини танлаш орқали киритилади.

47. «5. Millati» қатори марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида тўлдирилади.

Агар марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаса ёки ушбу ҳужжатда марҳумнинг миллати тўғрисида маълумотлар бўлмаса, мазкур қаторга « — » белгиси қўйилади.

48. «7. Vafot etgan vaqti» қаторида ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида марҳумнинг вафот этган санаси (кун, ой ва йил рақам билан) кўрсатилади.

49. «8. Vafot etgan joyi» қаторига марҳум вафот этган жойнинг номи тўлиқ ёзилади.

50. «9. O‘limning sababi» қатори ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида тўлдирилади.

51. «10. Tug‘ilgan sanasi» қатори марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва (ёки) ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида тўлдирилади.

52. «11. Shaxsini tasdiqlovchi ma‘lumotlar» қатори вафот этган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида тўлдирилади.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ёзувлар ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида ёзилади.

16 ёшга тўлмасдан вафот этганларга нисбатан ўлимни қайд этиш уларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

Бунда, ушбу қаторга туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг серияси, рақами, шунингдек туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами, қачон ва қайси ФХДЁ органи томонидан берилганлиги ёзилади, агар гувоҳнома ФХДЁ органига тақдим этилмаган бўлса, ушбу қаторга «Taqdim etilmadi» деб ёзилади ва «16. Belgilar uchun» қаторида тақдим этилмаганлик сабаби кўрсатилади.

«Yoshi» қатори марҳумнинг туғилган вақтидан (кун, ой, йил) келиб чиқиб, ахборот тизими орқали автоматик равишда тўлдирилади.

Агар вафот этган шахснинг туғилган куни, оyi ва йили номаълум бўлса ёки шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этишда тиббий муассаса-

нинг хулосасида ёши ва туғилган жойи ҳақида маълумотлар бўлмаса «10. Tug'ilgan sanasi» қаторига «noma'lum» деб ёзилади.

«Bir yoshgacha vafot etgan bola», «Nechanchi bola», «Onaning yoshi» қаторлари бир ёшгача вафот этган болаларга нисбатан далолатнома ёзуви қайд этилаётганда тўлдирилади.

Бунда, «Bir yoshgacha vafot etgan bola» қаторига тирик туғилиб, бир ёшга қадар вафот этган болаларнинг ўлимига қадар неча ой, кун яшаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, «Onaning yoshi» қаторига онанинг ёши тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизими орқали автоматик равишда тўлдирилади.

«Nechanchi bola» қаторида вафот этган бола онанинг нечанчи боласи эканлиги (бунда онанинг илгари туғилган болалари, шунингдек вафот этган болалари ҳам ҳисобланади, ўлик туғилган болалари ҳисобланмайди) рақам билан кўрсатилади.

53. «12. O'limni tasdiqlovchi hujjatlar» қаторига ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома ёки суднинг шахсни вафот этган деб топиш тўғрисидаги қарори ҳақидаги маълумотлар қўйидагича киритилади:

«а) бандига ўлим ҳақида тиббий маълумотнома рақами, берилган вақти (кун, ой ва йил), ким томонидан (тиббийёт муассасасининг номи, шифокорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми) берилганлиги тўлиқ ёзилади.

Масалан: № 315, 10.02.2022-й., Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani 9-sonli oilaviy poliklinika, shifokor Olimova Salima Tursunovna.

«б) бандида шахсни вафот этган деб топиш тўғрисида қарор чиқарган суднинг номи ҳамда қарор чиқарилган сана кўрсатилади.

Масалан, Toshkent shahar fuqarolik ishlari bo'yicha Mirzo Ulug'bek tumanlararo sudi, 13.03.2021-й.

54. «13. Ariza bilan murojaat qilgan shaxsning F.I.O., manzili yoki o'lim haqida ariza bergan muassasaning nomi va manzili» қаторига далолатнома ёзувини қайд этиш учун мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (муассасанинг номи), шунингдек вафот этган шахсга қариндошлиги (алоқадорлиги) тўлиқ ёзилади.

55. «15. Qabristonga topshirish uchun ma'lumotnomalarni olganlik to'g'risida belgi» қатори далолатнома ёзувининг қоғозга чоп этилган нусхасида ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва қабристонга топшириш учун маълумотномани олган шахс томонидан имзоланади.

56. «16. Belgilar uchun» қаторига вафот этган шахснинг шахси аниқланмаганда, шунингдек туғилиб вафот этган ёки бир ёшгача вафот этган болаларга нисбатан далолатнома ёзуви қайд этилганда тегишли изоҳ ёзиб қўйилади («murdaning shaxsi aniqlanmagan», «tug'ilganlik haqidagi guvohnoma topshirilmadi», «o'lim haqidagi guvohnoma berilmagan»).

6-боб. Якуний қоидалар

57. Далолатнома ёзувлари тўлдирилгандан сўнг қоғозга чоп этилади ҳамда мурожаат қилган шахс томонидан ўқиб чиқилиб, имзоланади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

299 Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3378*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ–122-сон «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Тошкент ш.,
2022 йил 22 июль,
13/02-22-24-сон

А. МАВЛОНОВ

Келишилди:

Ички ишлар вазири

2022 йил 14 июль

П. БОБОЖОНОВ

*Тиббий-ижтимоий хизматларни
ривожлантириш агентлиги
директори*

2022 йил 15 июль

А. ИНАКОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
22 июлдаги 13/02-22-24-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини
бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли
ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси, Божхона институти, Марказий божхона лабораторияси, Миллий кинология маркази) (бундан буён матнда божхона органлари деб юритилади) хизмат қилаётган, махсус унвон берилган божхона органлари ходимлари ва Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларни (бундан буён матнда ходим деб юритилади) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ходимларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш ходим ёхуд унинг оила аъзоларига бир марталик нафақалар тайинлаш ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни тақдим этиш мақсадида амалга оширилади.

2. Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ходимга ёки унинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июндаги 459-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларига, шунингдек, ҳалок бўлган ходимлари оилаларига бир марталик нафақа тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда бир марталик нафақалар ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа имтиёзлар тақдим этилади.

3. Ходимларнинг ҳалок бўлиши ёки тан жароҳати олишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади.

4. Ходимларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш хизмат текшируви хулосаси асосида амалга оширилади.

2-боб. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби

5. Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олганда, бевосита унинг раҳбари ёки ўринбосари воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, холислар иштирокида ходимнинг олган тан жароҳати бўйича далолатнома (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) расмийлаштиради.

6. Далолатномани расмийлаштиришда воқеа тафсилотлари аниқ ва холисона баён этилишига, шунингдек тан жароҳатининг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юз берганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

7. Далолатнома тан жароҳати олган ходим, унинг раҳбари ёхуд раҳбар ўринбосари, воқеа гувоҳи бўлган ходимлар ёки фуқаролар, воқеа содир бўлган ҳудуддаги божхона органи раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланади ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланади.

8. Воқеа содир бўлган ҳудуддаги божхона органи раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбариятига ходимнинг ҳалок бўлиши ёхуд тан жароҳати олиши ҳолати юзасидан зудлик билан дастлабки ахборот берилади.

9. Ходимнинг ҳалок бўлиши ёхуд тан жароҳати олишининг ҳолати ва сабабларини суриштириш учун ходим хизмат қилаётган ҳудуддаги божхона органи раҳбарининг ёзма кўрсатмасига асосан воқеа содир бўлган вақтдан бошлаб 24 соат ичида хизмат текшируви тайинланади.

10. Хизмат текшируви божхона органларининг шахсий хавфсизлик, кадрлар ва бошқа бошқармаларининг (бўлимларининг) масъул ходимлари томонидан 30 кун ичида ўтказилади.

Бунда, хизмат текширувини ўтказайтган масъул ходимлар ходимнинг ҳалок бўлиши ёхуд тан жароҳати олиши мазкур Низомнинг 14-банди асосида унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқлигига, ходим томонидан хизмат интизоми ва қонунчилик ҳужжатларининг талаблари бузилмаганлигига алоҳида эътибор қаратишлари шарт.

11. Хизмат текширувини ўтказиш муддати қўшимча ўрганишлар талаб этилган тақдирда, хизмат текширувини тайинлаган божхона органи раҳбари томонидан бир ой муддатгача узайтирилиши мумкин.

12. Ҳар бир ҳолат бўйича суд-тиббий экспертиза муассасасининг тегишли хулосаси олинади ва барча ҳужжатлар умумлаштирилган ҳолда, хизмат текширувини ўтказган масъул ходимлар томонидан хизмат текшируви натижасига доир хулоса тузилади.

Мазкур хулоса хизмат текширувини тайинлаган божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

13. Хизмат текшируви хулосасида ходимнинг ҳалок бўлиши ёки унинг тан жароҳати олиши хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ ёхуд хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ эмас деб топилганлиги кўрсатилади.

14. Ходимнинг ҳалок бўлиши ёхуд унинг тан жароҳати олиши:

лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этганда;

хизматни (жанговар хизматни) ўташ вақтида;

хизмат сафарида ёки даволанишда бўлганида;

кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли божхона органлари ҳудудида бўлганида;

хизмат ёки даволаниш жойига бориш ёхуд улардан қайтиш вақтида;

йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этганда;

асирликда бўлиш (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлганида;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар вақтида содир бўлганда;

қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш вақтида;

бедарак кетганда (ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунигача ёки вафот этган деб эълон қилингунигача қадар);

суд томонидан ходимнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатларни бажараётганда содир бўлган бўлса, хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ деб ҳисобланади.

15. Ходимнинг ҳалок бўлиши ёки унинг тан жароҳати олиши хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ эмас деб топилган тақдирда, хизмат текшируви хулосасида бунинг асослантирилган сабаблари кўрсатилади.

16. Божхона органлари кадрлар тузилмалари масъул ходимлари хизмат текшируви хулосаси тасдиқланган кундан бошлаб уч иш куни ичида ходим ва (ёки) унинг оила аъзоларини хизмат текшируви натижалари тўғрисида, шунингдек ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган тақдирда, ходим ёки унинг оила аъзоларига қонунчилик ҳужжатларида тақдим этилиши белгиланган нафақалар ва имтиёзлар ҳақида ёзма равишда таништилади.

3-боб. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ходимларнинг йиғмажилдларини юритиш

17. Божхона органлари кадрлар тузилмалари хизмат текшируви хулосаси асосида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ҳар бир ходим ва унинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар ҳамда ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг алоҳида йиғмажилдини шакллантиради.

18. Йиғмажилдга қуйидаги ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари тикилади:

хизмат текшируви хулосаси;

далолатнома;

воқеа оқибатида жароҳат олган ходимнинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар;

суд-тиббий экспертиза хулосаси;

воқеа юз берган вақтда ходимнинг хизмат вазифаси ёки мажбуриятини бажариш билан боғлиқлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар мавжуд бўлса);

воқеа юзасидан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ҳукми (агар мавжуд бўлса);

тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосаси ва ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

ходим божхона органларидан хизматдан бўшатиш тақдирда, унинг хизматдан бўшатишлиги тўғрисидаги буйруқ кўчирмаси.

19. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ходимларнинг йиғмажилдлари тегишли божхона органлари кадрлар тузилмаларида доимий сақланади.

20. Божхона органлари кадрлар тузилмалари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг учинчи санасидан кечиктирмай ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни хатловдан ўтказиши ҳамда хатлов натижасида аниқланган маълумотларни янгилаб боради.

4-боб. Якуний қоидалар

21. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш бўйича божхона органларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норози бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи божхона органларига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

22. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

300 «Патент вакилликига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари аттестациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3203-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 324-сон «Патент вакилликига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 декабрдаги 538-мқ-сон «Патент вакилликига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари аттестациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3203, 2019 йил 13 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2019 й., 10/19/3203/4155-сон);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги 4-мқ-сон «Патент вакилликига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари аттестациядан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3203-1, 2021 йил 29 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2021 й., 10/21/3203-1/0253-сон).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 август,
18-мқ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 августда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 27 июлдаги 12/02-22-25-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 13 июлдаги 34-сон, Транспорт вазирлигининг 2022 йил 15 июлдаги 12-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 июлдаги 16/2-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3233-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 21 июлдаги к-6-сон, 01-03/2-320-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1670-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 15-2022-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 17-2022Қ/Қ-сон ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 4-тн-сон «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2779-1.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 29 июлдаги 26-сон «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-6.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 11 августдаги 17-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-6.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 13/02-22-24-сон «Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3378.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 12 августдаги 18-мх-сон «Патент вакилликка номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакилларини аттестациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзгачини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3203-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўзстандарт» агентлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 1-п, 80-ТК-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1670, 2007 йил 7 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1670-1, 2020 йил 16 март).

2022 йил 9 августда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 декабрдаги 538-мх-сон «Патент вакилликка номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакилларини аттестациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3203, 2019 йил 13 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3203-1, 2021 йил 29 март)

2022 йил 12 августда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.